8. Ўзбекистон Республикаси 1997 йил 25 апрельдаги “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги 415-І-сон Қонуни. (Янги таҳрири).



ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Назаров Шербек Улуғбек ўғли,

Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги

Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси,

Ўзбекистон Республикаси Олий суди бўлим бошлиғи

Тел.: +998902806552

Эл.почта: sherbek.nazarov.91@mail.ru

Аннотация. Тезисда тадбиркорлик субъектларининг мулкый ҳуқуқларини фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилишни такомиллаштириш масалаларини илмий тадқиқ қилиш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, мулкдорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари кафолатларини мустаҳкамлаш, қонунчиликни такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар. Хусусий мулк, мулкый ҳуқуқлар, хусусий мулк дахлсизлиги, ер участкасига нисбатан мулк ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи ҳимояси.

Жамиятнинг иқтисодий негизи мавжуд мулкчилик муносабатларига асосланади. Бунда хусусий мулк – иқтисодиётнинг асосини ташкил этади. Шу сабабли мулк нафақат юридик мазмунга, балки иқтисодий маънога ҳам эгадир.

Шу муносабат билан хусусий мулкнинг Конституцияда белгиланган ишончли ҳимоясини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи дахлсизлиги кафолатларининг мустаҳкам тизимини яратиш зарур.

Маълумки, мулк ҳуқуқи – бу шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир.

Хусусий мулкнинг дахлсизлиги: биринчидан, хусусий мулк ҳуқуқининг субъектлари давлат мулки эга бўлгани каби барча ҳуқуқий кафолатлар ва имкониятлардан кенг фойдаланишида; иккинчидан, хусусий мулк манфаатларига қаратилган ноқонуний ҳар қандай аралашуш суд ҳокимияти томонидан ҳимоя қилиниши; учинчидан, мулкдорга қарши турган барча субъектлар мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашида намоён бўлади.¹

Бундан ташқари, мулкдор ўз ҳуқуқларини ҳар қандай бузилишини, гарчи бу бузиш эғалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этишни талаб қилишга ҳақли.

Сўнги йилларда мамлакатимизда хусусий мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида бир қанча ижобий ислохотлар жадал тарзда амалга оширилиб келинмоқда. Бу ижобий ўзгаришлар мамлакатда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда бу орқали республикаимизнинг инвестициявий жозибadorлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда хусусий мулкнинг дахлсизлиги ҳамда унинг давлат ҳимоясида эканлиги, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, сўнги йилларда мулк ҳуқуқи кафолатларини таъминлашга қаратилган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг бир қанча қарорлари қабул қилинди.

Шу боис бугунги кунда амалдаги қонун ҳужжатларида хусусий мулкнинг дахлсизлигига оид нормалар мустаҳкамланган бўлиб, бу бўйича муайян даражадаги қонунчилик базаси шаклланган. Шунга қарамасдан, амалиётда ҳанузгача хусусий мулкни ҳимоя қилишда етарлича муаммолар мавжуд бўлиб, ҳуқуқни кўллаш амалиёти хусусий мулкнинг дахлсизлигига оид ҳужжатлар ижросини тўлиқ таъминлаш билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, айрим мансабдор шахслар давлат ҳимоясида бўлган хусусий мулкнинг дахлсиз эканлигини, ҳар қандай ваз билан хусусий мулкни, шу жумладан аввал хусусийлаштирилган

¹ Раҳмонқулов Х., Азизов Х., Тадбиркорлик субъектлари хусусий мулк ҳуқуқининг фуқаролик-ҳуқуқий кафолатлари. Монография. Т.: 2013. – 190 бет.



мулкни олиб қўйиш, асосли заруратсиз мулкни бузиб юбориш ғайри ҳуқуқийлигини тўлиқ англаб етмаяпти, бу эса мулкдорларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоялаш кафолатларини кучайтириш ва бундай ҳуқуқбузарликларга йўл қўйганлиги учун ушбу масъул шахсларнинг жавобгарлигига оид қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий-амалий ечимини топиш долзарблик касб этмоқда.

Бунда айниқса мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларининг қайта қўриб чиқиш ва бекор қилиниши, ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёзлари учун олиб қўйиш, ерга оид мулкий муносабатлар билан боғлиқ масалалар ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштиришга муҳтож ҳисобланади.

Қолаверса, бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг мулкий ҳуқуқларининг мазмунини ташкил этувчи, ўзига хос муҳим ва долзарб бўлган масалаларни тадқиқ этиш ҳамда хусусий мулк ҳуқуқи мазмунининг замонавий цивилистика фани олдидаги муаммоларини очиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролик ҳуқуқида мулк ҳуқуқининг айрим жиҳатлари цивилист олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, Ҳ.Раҳмонкулов, Х.Азизовлар тадбиркорлик субъектлари хусусий мулк ҳуқуқининг кафолатларини, О.Оқюлов ва Ф.Отахоновлар тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш нуқтаи назардан, М.Абдусаломов ва Ш.Рўзиназаровлар тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалаларини, И.И.Насриев фуқаролик ҳуқуқида мулк ҳуқуқи масалаларини, В.Ё.Эргашев фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқи вужудга келиши ва бекор бўлишининг илмий-назарий жиҳатларини, З.А.Амонов мулкий ҳуқуқлар фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида, М.Х.Баратов хусусий мулк ҳуқуқи субъектларининг ваколатларига доир айрим масалаларни ўз илмий-тадқиқот ишларида ва ўқув адабиётларида илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилишган.

Бироқ тадбиркорлик субъектларининг мулкий ҳуқуқларини фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилишни такомиллаштириш масалалари мамлакатимизда махсус тадқиқот предмети сифатида илмий жиҳатдан комплекс ўрганилмаган.

Жумладан, хусусий мулк ҳуқуқи мазмунини назарий жиҳатдан тадқиқ этишда мамлакатимиз цивилистика фани олдида турган муҳим аҳамиятга эга бўлган жиҳатлар: мулкдор бўлиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари, тадбиркорлик субъектларининг мулкий ҳуқуқи мазмунининг ўзига хос хусусиятлари, мулкий ҳуқуқларни амалга ошириш асослари, уларни ҳимоя қилиш асослари ва усуллари, ер участкасига нисбатан мулкий муносабатлар, унга хусусий мулк ҳуқуқининг жорий этилиши, хусусий мулк ҳуқуқи объектларига етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масалаларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Фуқаролик ҳуқуқи ва тадбиркорлик ҳуқуқи фанлари нуқтаи назаридан, айниқса ҳозирги бозор муносабатларининг кенг тараққий этишида тадбиркорлик, бизнес соҳасида хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш масалаларини илмий-назарий ва амалий жиҳатидан кенг тадқиқ этиш объектив зарурият ҳисобланади.

Таҳлиллар натижаларига кўра, бугунги кунда илмий адабиётларда ҳамда суд амалиётида тадбиркорлик субъектларининг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадқиқотнинг натижалари бўйича илмий ишда унинг илмий янгилигини кўрсатувчи қуйидагилар ўз аксини топди:

1. Тадбиркорлик субъектларининг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бозор муносабатлари шароитидаги ўрни ва аҳамияти, хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва уни таъминлаш, хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш, тадбиркорлик субъектлари мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари;

2. Тадбиркорлик субъектларининг мулкий ҳуқуқлари тушунчаси ва аҳамияти, уни фуқаролик-ҳуқуқий моҳиятини очиб берилди, хусусий мулк объектларига нисбатан фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг ваколатлари, мулк ҳуқуқи объектлари, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш асослари ва кафолатлари тадқиқ қилинди;

3. Ер участкасига нисбатан мулкий муносабатлар, тадбиркорлик субъектларининг ер участкасига нисбатан мулк ҳуқуқи ва уни фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари тадқиқ қилинди;

4. Тадбиркорлик субъектларига тегишли ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёзлари учун олиб қўйиш, бунда тадбиркорлик субъектларининг мулкий ҳуқуқларини қонун дара-



жасида кафолатлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди;

5. Тадбиркорлик субъектларининг мулкӣ ҳуқуқларини фуқаролик-ҳуқуқӣ ҳимоя қилишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари илмӣ-назарий жиҳатдан асослаб берилди, қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқилди.

Иш тадбиркорлик субъектларининг мулкӣ ҳуқуқларини фуқаролик-ҳуқуқӣ ҳимоя қилишни такомиллаштиришга бағишланган илк монографик тадқиқот бўлиб, у янгиланган миллий қонунчилик ва мазкур тоифада шаклланган суд амалиётини таҳлил қилиш асосида бажарилди. Тадқиқ этилган мавзуга комплекс ёндашув мавжуд қонунчиликдаги (фуқаролик, тадбиркорлик) асосий номувофиқликларни кўрсатиш ва уларни бартараф қилишга қаратилган таклифларни беришдан иборат.

Тадқиқот натижаларидан ҳуқуқ ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, юридик ўқув юртларида фуқаролик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи фанлари бўйича маъруза ва амалий машғулотларни олиб бориш жараёнида фойдаланиш мумкин.



ПОРЯДОК РАЗРЕШЕНИЯ ИНДИВИДУАЛЬНЫХ ТРУДОВЫХ СПОРОВ

Шокиров Ойбек Азизжон угли,
Заведующий кабинетом Академии
Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан
E-mail: oybekazizovich@mail.ru

Аннотация: На сегодняшний день достаточно остро стоит проблема урегулирования индивидуальных трудовых споров, возникающих в организациях различных организационно-правовых форм. На основе этого в статье рассмотрены правовые основы разрешения индивидуальных споров в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: трудовые споры, договор, классификация, закон, работники, комиссия, профсоюзный комитет.

Одним из важнейших прав граждан на территории Республики Узбекистан является право на труд. Основной закон Республики Узбекистан Конституция содержит в себе норму, которая гласит о том, что в каждый имеет право на труд, на свободный выбор работы, на справедливые условия труда и на защиту от безработицы в порядке, установленном законом. Запрещается принудительный труд иначе как в порядке исполнения наказания по приговору суда, либо в других случаях, предусмотренных законом. Каждый имеет право на социальное обеспечение в старости, в случае утраты трудоспособности, а также потери кормильца и в других предусмотренных законом случаях.

В трудовых отношениях между сторонами трудового договора могут возникать разногласия, которые не всегда разрешаются быстро и без особых потерь, без постороннего вмешательства. Для более точного разрешения возникших разногласий и исключения различных пониманий предмета спора, ему необходимо дать достаточно полное определение. Согласно статье 259 Трудового Кодекса Республики Узбекистан индивидуальные трудовые споры — это разногласия между работодателем и работником по применению законодательных и иных нормативных актов о труде, условий труда, предусмотренных трудовым договором. В этих случаях стороной спора в интересах работника может выступать представительный орган работников [1].

Классификация индивидуальных трудовых споров нужна для того чтобы стал понятен предмет этого конфликта и найдены пути его разрешения. Можно выделить два основных критерия разделения трудовых споров – по субъектам трудового права, а также по содержанию трудового спора. В индивидуальных трудовых спорах участвуют, с одной стороны, работник, а с другой – работодатель.

По мнению Смоленского М.Б. по содержанию трудовые споры разделяются на споры об установлении условий труда и споры о применении установленных условий труда:

- под установлением условий труда понимается их определение с помощью законов и других нормативных правовых актов (в том числе соглашений, коллективных договоров, других локальных актов). Индивидуальные условия труда определяются (устанавливаются) трудовым договором (контрактом) работника с работодателем (например, конкретный размер заработной платы). Таким образом, установленные условия труда носят общий характер и распространяются на всех или на определенные категории работников;

- трудовые споры о применении названных условий труда (норм трудового законодательства) носят исковой характер, так как это споры о восстановлении нарушенного права или законного интереса, рассматриваемые на основании соответствующего заявления [2].

Балашов А.И. считает что условия возникновения трудовых споров можно разделить на три группы – экономического, социального и правового характера [3]. К условиям экономического характера относится, к примеру, финансовые проблемы предприятия, которые в свою очередь препятствуют работодателю в выполнении его обязанности по своевременной и в полном объеме выплате заработной платы работникам. А по мнению Анисимова Л.Н. условия социального характера – это, например, несоразмерность установленного размера оплаты труда минимальному размеру оплаты труда, существенная разница к уровню доходов различной категории работников. К условиям правового характера относятся наличие пробелов и противоречий в трудовом законодательстве, а также в иных актах,



содержащих нормы трудового права, сложность восприятия и понимания работником и работодателем трудового законодательства [4].

Согласно статье 260 Трудового Кодекса Республики Узбекистан индивидуальные трудовые споры рассматриваются:

- комиссиями по трудовым спорам
- районными (городскими) судами.

Работник вправе по своему выбору за разрешением трудового спора обратиться в комиссию по трудовым спорам или непосредственно в суд.

Порядок рассмотрения индивидуальных трудовых споров регулируется настоящим Кодексом, а порядок рассмотрения дел по трудовым спорам в районных (городских) судах определяется, кроме того, Гражданским процессуальным кодексом Республики Узбекистан.

Коллективным договором, а если он не заключен — по соглашению между работодателем и профсоюзным комитетом либо иным представительным органом работников может быть предусмотрено создание комиссии по трудовым спорам.

Комиссии по трудовым спорам создаются на паритетных началах работодателем и профсоюзным комитетом или иным представительным органом работников [5].

Удостоверение не выдается, если работник или работодатель обратились в установленный срок с заявлением о разрешении трудового спора в районный (городской) суд.

По мнениям Макурина К.А. и Лаврик Т.М. на основании удостоверения, выданного комиссией по трудовым спорам и предъявленного не позднее трехмесячного срока со дня его получения в районный (городской) суд, государственный исполнитель приводит решение комиссии по трудовым спорам в исполнение в принудительном порядке [6].

По нашему мнению, индивидуальные трудовые споры необходима дать специализированному суду по трудовым вопросам.

Сноски:

1. Трудовой кодекс Республики Узбекистан Утвержден Законом Республики Узбекистан от 21.12.1995 г. Введен в действие с 01.04.1996 г. Ст. 259. <https://lex.uz/docs/145261>. Дата обращения: 15.09.2021г.

2. Смоленский М.Б. Трудовое право Российской Федерации. Ростов н/Д.: Феникс. 2011. С. 231.

3. Балашов А.И. Трудовые споры и порядок их разрешения. СПб.: 2008. С. 56.

4. Анисимов Л.Н. Трудовой договор и индивидуальные трудовые споры. М.: ВЛАДОС. 2007. 598 с.

5. Трудовой кодекс Республики Узбекистан Утвержден Законом Республики Узбекистан от 21.12.1995 г. Введен в действие с 01.04.1996 г. Ст. 259-267. <https://lex.uz/docs/145261>. Дата обращения: 15.09.2021г.

6. Макурина К.А. и Лаврик Т.М., понятие и классификация индивидуальных трудовых споров, причины и условия их возникновения. Ж: Актуальные направления фундаментальных и прикладных исследований. 2019. С. 87-92



HUQUQIY MUNOSABATLAR TARKIBIDA SUBYEKTIV HUQUQ VA YURIDIK MAJBURIYATNING O'RNI, AYOLLARNING HUQUQIY SAVODXONLIGI

Abdulaziz Qaxorov

Yangixayot tumani IIO FMB huzuridagi
tergov bo'limi bo'linma boshlig'i
e-mail: kaxarovanilufar869@gmail.com
+99890 905 75 96

Annotatsiya: Ushbu maqolada subyektiv huquq va yuridik majburiyatning huquqiy munosabatlar tarkibidagi ahamiyati va o'rni normativ-huquqiy hujjatlar va yuridik adabiyotlar asosida aks ettirilgan hamda jamiyatda ayollarning huquqiy savodxonlik darajasi nazarda tutilgan.

Subyektiv huquq – bu subyektning sodir etishi mumkin bo'lgan xatti harakatining turi va o'lchovidir. Sodda qilib aytganda jamiyatda huquqiy munosabatga kirishuvchi shaxsning haq-huquqlarini anglatadi. Subyektiv huquq barcha normativ - huquqiy hujjat (konstitutsiya, qonunlar, kodeklar va hokazo)larda belgilab qo'yilgan bo'lishi mumkin. Misol tariqasida Konstitusiyamizning 53- moddasini keltirib o'tishim mumkin. Bu moddada qayd etilgani kabi, xususiy mulk boshqa mulk shakllari kabi daxlsiz va davlat himoyasidadir. Shunga qo'shimcha ravishda xususiy mulk daxlsizligi Fuqarolik kodeksimizda yanada mustahkamlab qo'yilgan: — Xususiy mulk huquqi shaxsning qonun hujjatlariga muvofiq tarzda qo'lga kiritilgan mol-mulkka egalik qilish, undan foydalanish va uni tasarruf etish huquqidir. Shuningdek, subyektiv huquq mehnat munosabatlarida ham mavjud bo'ladi. Jumladan, ishchiga rahbar tomonidan mehnat shartnomasida qayd etilmagan vazifalarni yuklatilishi yoki ish vaqtining su'niy ravishda oshirilishi mumkin emas. Prezident tomonidan imzolangan O'zbekiston Respublikasida yuridik ta'lim va fanni tubdan takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risidagi farmoni barcha sohalar kabi ilmiy ishlar va innovatsiyalar yo'nalishi bo'yicha ham mavjud huquq sohasidagi ta'lim muassasalar faoliyatini yangi bosqichga ko'tarishga xizmat qiladi.

Qayd etish zarurki, bugungi kunda ta'lim tizimi, ayniqsa yuridik ta'lim globallashtirish davrida jamiyat va iqtisodiyot oldimizga qo'yayotgan yangi chaqiriqlarga tez moslashuvchan bo'lishi talab qilinadi. Farmonga asosan ilmiy tadqiqot va innovatsiyalar yo'nalishida yuridik sohada bir qator yangiliklar bo'lishi kutilmoqda. Birinchi yangilik, zamonaviy ta'limni raqamlashtirmasdan, uni turli muhitga tez moslashuvchanligini ta'minlash masalasi. Ayniqsa, ta'lim jarayonini elektronlashtirish va unga ushbu texnologiyalarni kiritish zaruratini pandemiya sharoitida sezib turibmiz. Farmon bilan huquq sohasidagi ta'lim muassasalarda to'liq elektron hujjat almashinuviga o'tish, ilmiy tadqiqot va o'quv jarayonini raqamlashtirish vazifasi belgilab berildi.

Qayd etish zarurki, rivojlangan xorijiy davlatlarda elektron universitet loyihalari uzoq yillarda beri samarali qo'llanib kelinayotgan dastur sanaladi. "Elektron universitet" (E-University) loyihasini nima beradi va uni afzalliklari nimalardan iborat degan tabiiy savol tug'iladi? Avvalo, ushbu loyihani universitetga to'liq joriy qilinishi nafaqat ilmiy tadqiqotlar sohasida, balki o'quv jarayonini ham to'liq avtomatlashtirish imkoniyatini yaratadi. Bularga mashg'ulotlar jadvalini shakllantirish, imtihonlarni o'tkazish, baholash, talabalar reytingini shakllantirish, masofaviy dars mashg'ulotlarini yo'lga qo'yish, ilmiy tadbirlarni rejalashtirish, onlayn dissertatsiya muhokamalarini o'tkazish kabi imkoniyatlarni sanab o'tish mumkin. Bundan tashqari, "Elektron universitet" (E-University) tizimini joriy etishi ochiq, shaffof, sub'yektivlik va suiste'molchiliklardan holi bo'lgan ta'lim muhitini yaratishga xizmat qiladi.

Bir so'z bilan aytganda, korrupsiyasiz ta'lim muhitini yaratishning muhim elementi sanaladi. Ko'rinib turibdiki, ushbu belgilab berilgan vazifa 2020 yil "Ilm, ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili" Davlat dasturiga ham to'liq mos keladi. Ikkinchi yangilik, Farmon bilan yurisprudensiyada yangi axborot texnologiyalari va tizimlarini ishlab chiqish va tatbiq etish maqsadida Legal Tech laboratoriyasini tashkil etish va faoliyatini yo'lga qo'yish vazifasi belgilanmoqda. Legal Tech texnologiyasi O'zbekiston uchun mutlaqo yangi tizim bo'lib, u orqali davlat va huquq sohasida ilmiy va innovatsion tadqiqotlarni o'tkazilishi belgilanadi. Ushbu texnologiya nima va uni yuridik sohadagi ahamiyati haqida qisqacha to'xtalib o'tsak. Bugungi zamonda axborot texnologiyalari har qanday sohaga kirib borishga ulgurgan. Ta'kidlash joizki, rivojlangan xorijiy mamlakatlarda huquqiy amaliyotda ham yuqoridagi singari axborot



texnologiyalari dasturlaridan unumli foydalanib kelinmoqda. Bunday huquqiy texnologiya Legal Tech deb ataladi. Masalan, AQSh Illinoys texnologiyalar instituti jamoasi tomonidan huquqiy nizo bo'yicha AQSh Oliy sudi tomonidan qanday qaror qabul qilinishini bashorat qilishga qaratilgan dastur ishlab chiqilgan. Odatda tahliliy bashoratning 70 foizi to'g'ri bo'lib chiqadi. Shunga o'xshash bo'lgan dasturlar Kanadada ham yaratilgan. Yo'l harakati qoidalarini buzgan va buning uchun politsiya tomonidan berilgan jarimadan norozi bo'lgan shaxsning advokat yordamisiz sudga murojaat qilishi hamda uning ishi qisqa muddatlarda ko'rib chiqilishini ta'minlashga qaratilgan maxsus onlayn dasturni bunga misol qilib keltirish mumkin.

Xulosa qilib aytganda, yaqin kelajakda o'zbek yuridik fani va ta'limi jahonning ilg'or yuridik ta'limi bilan chuqur integratsiyalashgan holda, mamlakatimizning barcha sohalarini huquqiy jihatdan ta'minlashga o'z hissasini qo'shadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Тархов В.А. Понятие гражданского права. Саратов, 1987. С. 68.
2. Малеина М.Н. Личные неимущественные права граждан: понятие, осуществление, защита. М., 2000. С. 11.
3. Красавчикова Л.О. Понятие и система личных неимущественных прав граждан (физических лиц) в гражданском праве РФ. Екатеринбург, 1994. С. 23-24.
4. Гегель Г.В. Философия права. М., 1990. С. 104, 109.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ АРБИТРАЖИ ФАОЛИЯТНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Хуршид Ашрапович Махмудов,
МЧЖ "Jizzakh Petroleum" ҚҚ
Юридик департаменти
шартномавий-ҳуқуқий бўлими менеджери

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида халқаро тижорат арбитражи фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим жиҳатлари таҳлил этилган. Хусусан, халқаро тижорат низоларни ҳал қилишда арбитражларнинг тутган ўрни, ушбу турдаги низоларни ҳал қилиш учун электрон воситалардан фойдаланиш имкониятлари ёритиб берилган. Шунингдек, халқаро тижорат тижорат низоларини ҳал қилиш тартибини оптималлаштиришни борасидаги миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш ва арбитраж низоларини ҳал қилишда масофавий алоқа технологияларидан фаол фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: арбитраж, халқаро тижорат арбитражлари, арбитр, онлайн арбитраж, электрон судлов, процессуал талаблар.

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ МЕЖДУНАРОДНОГО КОММЕРЧЕСКОГО АРБИТРАЖА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Хуршид Ашрапович Махмудов,
менеджер договорно-правового отдела
Юридического департамента
СП ООО "Jizzakh Petroleum"

Аннотация: В данной статье анализируются некоторые аспекты правового регулирования международного коммерческого арбитража в Республике Узбекистан. В частности, подчеркивается роль арбитража в разрешении международных коммерческих споров, возможность использования электронных средств для разрешения такого рода споров. В статье также выдвинуты предложения и рекомендации по совершенствованию национального законодательства по оптимизации разрешения международных торговых споров и активному использованию технологий дистанционной связи при разрешении арбитражных споров.

Ключевые слова: арбитраж, международный коммерческий арбитраж, арбитр, онлайн-арбитраж, электронное разбирательство, процессуальные требования.

SOME ASPECTS OF THE LEGAL REGULATION OF INTERNATIONAL COMMERCIAL ARBITRATION IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Khurshid Ashrapovich Mahmudov,
Manager of the contractual-legal
division of the Legal Department of
JV LLC "Jizzakh Petroleum"

Annotation: This article analyzes some aspects of the legal regulation of international commercial arbitration in the Republic of Uzbekistan. In particular, the role of arbitration in resolving international commercial disputes, the possibility of using electronic means to resolve this type of dispute are highlighted. The issue of drafting a national law on international commercial arbitration was also analyzed. Suggestions and recommendations on improving the national legislation on the optimization of international trade dispute resolution and the



active use of remote communication technologies in resolving arbitration disputes were also put forward.

Keywords: arbitration, international commercial arbitration, arbitrator, online arbitration, e-litigation, procedural requirements.

Иқтисодий фаолиятни амалга ошириш бозор муносабатлари субъектлари ўртасидаги битимлар билан амалга оширилади, уларни амалга ошириш давомида кўпинча келишмовчиликлар юзага келади, шартномалар ва битимлар шартлари бузилади, қабул қилинган мажбуриятлар нотўғри бажарилади, бу ўз навбатида шартномаларнинг бажарилишини бузилади, ишбилармонлик фаоллигининг пасайишига олиб келади.

Айни пайтда халқаро тижорат арбитражлари низоларни (можароли вазиятларни) ҳал қилишда ёрдамга келиши мумкин. Мамлакатимизда олиб борилаётган суд ислоҳоти тижорат низоларини ҳал қилишнинг алтернатив усуллари, шу жумладан арбитраж ишини ривожлантиришни кўзда тутади.

Ҳақиқий демократик тамойиллар асосида ишлайдиган мустақил халқаро арбитраж судларининг муқобил тизимини ривожлантириш тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий муаммоларни тез ва самарали ҳал этиш, бозор иқтисодиёти нормал фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитлар яратиш имконини беради.

Шу сабабли куйидагилар:

– ўз ваколати доирасига кирадиган низоларни ҳал қилишнинг самарали механизминини, шу жумладан хорижий компаниялар (хорижий компаниялар, хорижий инвестициялар иштирокидаги компаниялар ва бошқалар) ва маҳаллий компаниялар ўртасида низоларни ҳал этиш механизминини яратиш;

– юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорларнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш;

– халқаро тижорат арбитраж суди ваколатига кирадиган низоларни ҳал қилиш тартибинини, тезкорлигинини, иқтисодий самарадорлигинини ва махфийлигинини таъминлаш;

– ўзаро тафовутларга қарамай, низоли томонларнинг бизнеси ва шерикликларини сақлаб қолиш ва янада мустаҳкамлаш мақсадида халқаро арбитраж судларини ташкил этиш лозим¹.

Арбитраж бу – низоларни муқобил ҳал қилишнинг бир тури бўлиб, бу юзага келадиган муаммоларни суддан ташқарида ҳал қилишдир. Арбитражда низолар битта ёки бир неча шахслар (арбитраторлар, арбитерлар ёки арбитраж трибунали) орқали ҳал қилинади ва ушбу шахслар томонидан arbitration award яъни арбитраж ҳал қилув қарори қабул қилинади. Арбитраж ҳал қилув қарори низолашаётган томонлар учун бажарилиши мажбурийдир ва судлар томонидан унинг ижроси амалга оширилади². Халқаро арбитраж асосан, транс чегаравий иқтисодий битимлардан келиб чиқадиган низоларни муқобил ҳал қилишда қўлланилади. Арбитражнинг одатдаги суд жараёнларидан фарқли томони шундаки, унда қабул қилинган ҳал қилув қарорлари дунёнинг кўплаб мамлакатлари томонидан тан олинади ва ижрога қаратилади. Шунингдек, арбитражда низоларни ҳал қилишнинг нейтрал усуллари, қулай процессуал жихатлар ва махфийлик томонларидан бири ҳисобланади³.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5

¹ Ф. Отахонов. Организационно-правовые меры по развитию международного коммерческого арбитража в Узбекистане. С – 1. <http://cisarbitration.com/wpcontent/uploads>.

² O' Sullivan, Arthur Sheffrin, Steven M. (2003). Economics: Principles in Action. Upper Saddle River, New Jersey: Pearson Prentice Hall. p. 324. ISBN 0-13-063085-3.

³ Отахонов Ф.Х. Медиация – плюсы и минусы посредничества // Материалы Международных научно-практических конференций на тему «Международный коммерческий арбитраж в контексте судебно-правовой реформы» 28 октября 2009 г. Ташкент: Chashma Print, 2010. – С.253.



ноябрдаги ПҚ–4001-сон Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузурида Тошкент халқаро арбитраж марказини (ТІАС) ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган.

Хусусан, “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (кейинги ўринларда – Қонун) лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган эди, натижада ушбу қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 5 августда қабул қилинди ва Сенат томонидан 2020 йил 11 сентябрда маъқулланди. Мазкур Қонун лойиҳасини шакллантиришда мамлакатимизда изчил давом этаётган ислохотларнинг янги даври талаблари, халқаро тамойил ва стандартларга таянилмоқда, жаҳон амалиёти ва ривожланган давлатлар тажрибаси чуқур ўрганилди.

Қонун лойиҳасини қабул қилиш зарурати Ўзбекистон Республикасида халқаро тижорат арбитраж судларининг фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш тартибини ҳуқуқий тартибга солиш, халқаро арбитраж суди фаолиятининг асосий принципларини, арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро механизмларини белгилаш, хорижий ҳамкорлар ва халқаро тижорат фаолиятининг бошқа иштирокчилари билан низоли ёки баҳсли масалаларни ҳал қилишнинг ҳаракатчан механизмларини яратиш, низоларни кўришда хўжалик юритувчи субъектларнинг сарф-харажатларини қисқартириш сингари қатор асослар билан изоҳланиши қайд этилди.

Шу каби жиҳатлар инобатга олинган ҳолда Қонун 56 моддадан иборат таркибда тузилган. Унда асосий тушунчалар, халқаро тижорат арбитраж судида кўриладиган низолар, арбитраж судлари фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш тартиби ва уларнинг ҳисобини юритиш нормалари акс эттирилган. Арбитраж суди таркиби ва юрисдикцияси ва арбитраж иш юритувининг тамойиллари, ваколатли суднинг арбитраж судлари фаолиятига аралашшиш чегараси, арбитраж судида вакиллик каби масалалар акс эттирилган. Қонунда асосий эътибор арбитраж келишувига (юзага келган ва юзага келаётган низоларни арбитраж иш юритувига тақдим этиш ҳуқуқини берувчи асосий ҳужжат сифатида) қаратилган. Унинг мазмунини ва шакллари, келишувни имзолаш механизмлари батафсил ёритилган.

Қонунда бир қатор моддалар арбитраж муҳокамасини юритиш қоидаларини, арбитраж иш юритуви жойи ва уни ўтказиш тилини аниқлаш тартибига бағишланган. Бу нормаларда кўрсатилганидек, низолашувчи томонлар ўз хоҳишларига кўра арбитраж иш юритувининг тили ва жойини келишишлари, акс ҳолда эса иш юритиш тили ва жойи арбитраж томонидан мустақил белгиланиши мумкин.

Мазкур Қонунда даъво аризаси, шунингдек, унга жавоб бериш ва қарши даъво бериш тартиби ўз ифодасини топган. Арбитраж суди қарорини бекор қилиш тарафлардан бири томонидан ваколатли судга бу ҳақда даъво аризаси киритиш орқали амалга ошириш тартиби, шунингдек, арбитраж қарорини бекор қилиш оқибатлари ёритилмоқда. Арбитраж суди қарорини ихтиёрий ва мажбурий ижро қилиш, арбитраж суди қарори бўйича ижро варақаси бериш қоидалари баён қилинган. Бундан ташқари, Қонунда арбитраж муҳокамаси ва арбитраж муҳокамаси учун тайёрланган ҳамда ушбу муҳокама жараёнида тайёрланган барча ҳужжатлар махфий хусусиятга эга бўлиши, халқаро тижорат арбитражи тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни таъминлаш бўйича ҳам бир қатор нормалар келтирилган. Бироқ, Қонунни қабул қилишда, ҳамда унга тегишли тартибда ўзгартиш киритишда ҳозирги замонда жадал ривожланган ахборот технологиялари билан боғлиқ тажрибани ҳам ҳисобга олишимиз керак.

Сўнгги йиллар давомида арбитраж (ҳакамлик) суди халқаро тижорат ва халқаро савдо соҳасидаги низоларни ҳал қилишнинг энг машҳур усулларида бирига айланди. Ҳар қандай давлат муқаррар равишда арбитраж (ҳакамлик) судлари ривожлантиришдан манфаатдор ҳисобланади.

Дунёнинг кўплаб мамлакатлари тижорат низоларини ҳал қилиш тартибини оптималлаштиришни истайди, шу жумладан ҳозирда барча давлатларда электрон ҳужжат айланишининг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланиш учун янги технологик имкониятлар мавжуд¹.

Ахборот технологияларини ривожлантириш ва оммалаштириш жаҳон арбитраж институтларининг масофавий алоқа технологияларидан фаол фойдаланиш амалиётига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳолат масофадан амалга оширилган битимлар сонининг доимий равишда кўпайиши билан боғлиқ бўлиб, улар орқали келиб чиқадиган низоларни

¹ Панов А.А. Онлайн-арбитраж: проблемы, решения, перспективы// Новые горизонты международного арбитража. Вып. 2: сб. ст. / под ред. А.В. Асоскова, А.И. Муранова, Р.М. Ходыкина. М., 2014. С. 111–153.



электрон воситалардан фойдаланган ҳолда томонларнинг бевосита таъсирисиз ҳал қилиш зарурати юзага келади. Суднинг янги кўриниши электрон судловнинг барча имтиёзларини арбитражда қўллаш имкониятини берадиган онлайн тизимдир.

Онлайн низоларни ҳал қилиш бу низони ҳал қилиш воситаси, ярашиш ёки ҳакамлик жараёни бўладими ёки йўқми онлайн технологиялар томонлар ўртасидаги низони ҳал қилишда фойдаланиладиган технологиялар. Онлайн низоларни ҳал қилишнинг уч босқичи мавжуд: томонлар ўртасидаги музокаралар (онлайн музокаралар), воситачилик (онлайн медиация) ва арбитраж¹.

Онлайн арбитраж тушунчаси – бир нечта маънога эга, аммо кўпинча жараён иштирокчилари ўртасида масофавий алоқа технологияларидан фойдаланган ҳолда бўлиб ўтган ҳакамлик муҳокамасини тасвирлаш учун ишлатилади².

Ҳозирги вақтда низоларни онлайн ҳал қилиш учун кўплаб онлайн платформалар яратилган. Бироқ, интернетдаги битимлар кўпинча кам миқдорда амалга оширилганлиги сабабли, амалдаги онлайн платформаларнинг аксарияти кичик низоларни ҳал қилишга қаратилган.

Кўпчилик давлатлар Нью-Йорк конвенциясининг иштирокчилари ҳисобланади. Шунинг учун уларнинг хорижий арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро этишни тартибга солувчи қонунлари конвенциясининг тегишли қоидаларига асосланади.

Муаммо шундаки, бугунги кунда кўп жиҳатдан ҳакамлик битими, ҳакамлик суди қарорига, шунингдек, онлайн процедура тартибига қўйиладиган талаблар низони анъанавий шаклда (офлайн) ҳал қилишга қаратилган. Ушбу стандартлар электрон воситаларни ишлатишда юзага келадиган барча хусусиятларни ҳисобга олмайди. Ушбу ишнинг мақсадлари учун электрон ахборот муҳитида ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш тартибини ривожланишига тўсқинлик қиладиган учта сабаб мавжуд. Биринчидан ҳакамлик битими билан боғлиқ бўлса, иккинчидан тоифадаги ҳуқуқий тўсиқлар процессуал характерга эга, ва ниҳоят, онлайн арбитражга қўйилган тўсиқлар охири қарор билан боғлиқ³.

Шу сабабли, низоларни ҳал қилиш учун электрон воситалардан фойдаланиш процессуал талабларнинг бузилиши сифатида кўриб чиқиши мумкин эмас. Бироқ, низони электрон воситалар ёрдамида кўриб чиқишда барча асосий принципларга риоя қилиш керак, томонлар анъанавий процедура (офлайн) дан фойдаланишда бўлгани каби бир хил процессуал ҳуқуқлар ва имкониятлар кафолатланиши лозим⁴.

Онлайн низоларни ҳал қилиш тартибининг яна бир хусусияти шундаки, томонлар ва ҳакамнинг ўзаро муносабати билвосита - онлайн платформа орқали рўй беради⁵. Бу асосий процессуал кафолатлар ва тамойилларни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди. Интернет орқали низоларни ҳал қилиш процедураси тарафларга ишда иштирок этиш, ишда ўз позицияларини, далиллар ва эътирозларни тақдим этиш учун тенг имкониятларни тақдим этиши керак⁶.

Онлайн режимда низоларни ҳал қилиш натажасида арбитраж қарори электрон шаклда амалга оширилади. Унинг матни томонларга электрон почта орқали юборилиши ёки ҳакамлик судининг веб-сайтига жойлаштирилиши мумкинлиги тўғрисида томонларга мажбурий равишда хабар берилади. Агар миллий қонун ҳужжатларида ҳужжатнинг электрон шакли ёзма шаклга, электрон имзо эса қўлда ёзилган имзога тенг экани белгиланган бўлса, электрон имзо билан имзоланган арбитраж қарори тўсиқларсиз бажарилиши мумкин.

Арбитраж қарорини бажаришни рад этиш хавфи ушбу қарорга нисбатан қўлланиладиган

¹ Thomas Schultz. Online Dispute Resolution: The State of the Art and the Issues. [Electronic resource] // www.ssrn.com. Electronic data. URL: <https://ssrn.com/abstract=899079> (access date: 02.02.2017).

² Вестник Томского государственного университета. Право. 2017. № 24. С – 134.

³ Панов А.А. Онлайн-арбитраж: проблемы, решения, перспективы // Новые горизонты международного арбитража. Вып. 2: сб. ст. / под ред. А.В. Асоскова, А.И. Муранова, Р.М. Ходыкина. М., 2014. С. 111–153.

⁴ Ihab Amro. The use of online arbitration in the resolution of international commercial disputes // Vindobona journal of international commercial law and arbitration. Vienna, 2014. Vol. 18 (2). P. 129–148.

⁵ Dispute settlement. International Commercial Arbitration. Vol. 5.9. Electronic Arbitration [Electronic resource] // www.unctad.org. Electronic data. URL: http://unctad.org/en/docs/edmmisc232add20_en.pdf (access date: 02.02.2017).

⁶ Mohamed S., Abdel Wahab. ODR and e-Arbitration. Trends & Challenges // Online Dispute Resolution. Theory and Practice. Eleven International Publishing, 2012. P. 399–441.



миллий қонунчилик унинг шакли учун қатъий талабларни белгилаб қўйган ва электрон иш оқими ва электрон имзодан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мавжуд бўлмаган тақдирдагина юзага келади.

Хулоса сифатида таъкидлайдиган бўлсак, Қонунда онлайн тарзда низоларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартибини назарда тутувчи тегишли ўзгартишларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ф. Отахонов. Организационно-правовые меры по развитию международного коммерческого арбитража в Узбекистане. С – 1. <http://cisarbitration.com/wpcontent/uploads>.
2. О' Sullivan, Arthur Sheffrin, Steven M. (2003). Economics: Principles in Action. Upper Saddle River, New Jersey: Pearson Prentice Hall. p. 324. ISBN 0-13-063085-3.
3. Отахонов Ф.Х. Медиация – плюсы и минусы посредничества // Материалы Международных научно-практических конференций на тему «Международный коммерческий арбитраж в контексте судебно-правовой реформы» 28 октября 2009 г. Ташкент: Chashma Print, 2010. – С.253.
4. Панов А.А. Онлайн-арбитраж: проблемы, решения, перспективы// Новые горизонты международного арбитража. Вып. 2: сб. ст. / под ред. А.В. Асоскова, А.И. Муранова, Р.М. Ходыкина. М., 2014. С. 111–153.
5. Thomas Schultz. Online Dispute Resolution: The State of the Art and the Issues. [Electronic resource] // www.ssrn.com. Electronic data. URL: <https://ssrn.com/abstract=899079> (access date: 02.02.2017).
6. Вестник Томского государственного университета. Право. 2017. № 24. С – 134.
7. Панов А.А. Онлайн-арбитраж: проблемы, решения, перспективы// Новые горизонты международного арбитража. Вып. 2: сб. ст. / под ред. А.В. Асоскова, А.И. Муранова, Р.М. Ходыкина. М., 2014. С. 111–153.
8. Ihab Amro. The use of online arbitration in the resolution of international commercial disputes // Vindobona journal of international commercial law and arbitration. Vienna, 2014. Vol. 18 (2). P. 129–148.
9. Dispute settlement. Internationl Commercial Arbitration. Vol. 5.9. Electronic Arbitration [Electronic resource] // www.unctad.org. Electronic data. URL: http://unctad.org/en/docs/edmmisc232add20_en.pdf (access date: 02.02.2017).
10. Mohamed S., Abdel Wahab. ODR and e-Abritation. Trends & Challenges // Online Dispute Resolution. Theory and Practice. Eleven International Publishing, 2012. P. 399–441.

"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 32-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

(1-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.09.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000
